

Термиз туманида “Депутатлар боғи” ташкил этилди



Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти ташаббуси билан туман депутатлари, партиялар ижро кенгашлари ҳамда туман “Агропилла” МЧЖ билан ҳамкорликда туманнинг “Қорахон” маҳалласи ҳудудидаги 30 сотих майдонда “Депутатлар боғи” ташкил этилмоқда.

Бугун бўлиб ўтган дарахт кўчатлари экиш тадбирида депутатлар фаол иштирок этишиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган “Депутатлар боғи”га 40 та бодом, 130 та тут дарахти кўчатларини ўтқазишди. Шунингдек, экилган ҳар бир кўчатга ишлов берилиб, оқлаш ва қатор ораларини тозалаш ҳамда юмшатиш ишлари ҳам бажарилди.

Бошланган ушбу хайрли иш “Долзарб 40 кунлик” якунига қадар давом эттирилади ва 30 сотихли “Депутатлар боғи”га тўлиқ 500 га яқин меваги ва манзарали кўчатлар экиш режа қилинган.











